



# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА ВА ВИЖДОН ИШИГА АЙЛАНСАГИНА, ЖАМИЯТДА БАРҚАРОРЛИК МУҲИТИ ШАКЛЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди. Йиғилишда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси вазифалар белгиланди.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади.

Шу боис, сўнгги йилларда бу иллатга қарши курашиш бўйича қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Парламент палаталарида масъул кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинди.

Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очиқ тизим, очиқ муҳит яратилди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда.

Авалло, коррупциянинг омилларига қарши курашилмоқда. Масалан, ерни ҳоким қарори билан ажратилган тўлиқ воз кечиб, аукцион тизимига ўтказилгани натижасида бу тизим халқчил бўлди. “Шаффоф қурилиш” дастури жорий этилганидан кейин бу соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар сезилди.

Давлат харидлари бўйича қонун қабул қилингани, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалди.

Бугунга келиб, барча банклар 100 миллион сўмгача маънавий кредитларни инсон омилсиз 5 дақиқа ичида онлайн беряпти. Натижада олдин бу иш билан шуғулланган минглаб банкирлар энди маҳаллага тушиб, одамларга лойиҳа, кредит тақдир қилиб, мижозини кўпайтириш билан ишлаяпти.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу соҳада мурожаатлар сони 2,5 карра камайди.

Олий таълим тизими ҳам рақамлаштирилди. Аввал тест топшириб, тўплаган балига қараб, кейин олийгоҳни танлаш жорий қилинди. 35 турдаги ҳужжатларни инсон омилсиз олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2 баравар камайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори “боди-камера”да хизмат ўтаётгани, авторакатлар аукционда сотилаётгани, қоғоздаги баённома йўқ бўлгани учун коррупция омиллари кескин камайди.

Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Натижада 200 мингга яқин янги тадбиркорлар бозорга кириб келди. Чет эл иштирокидаги корхоналар қарийб 5 карра ошиб, 23 мингга яқинлашди.

Электрон давлат хизматлари сони 15 карра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар эса 11 миллиондан ошди.

Энг муҳими, булар орқали аҳоли, тадбиркорлар, хорижий ҳамкорларимиз, халқаро ташкилотлар ва инвесторларнинг ислохотларга ишончи мустаҳкамланди. Сўнгги етти йилда 120 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киргани, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, ўтган йили 115 миллиард долларга етгани бунинг исботи.

Президент коррупцияга қарши курашиш доимий жараён эканини айтиб, бу борадаги долзарб масалаларни ва келгуси вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Хуқуқ-тартибот идоралари, асосан, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб, коррупциявий омилларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чоралар эътиборсиз қолаётгани қайд этилди.

Шу боис, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг иш услуби ўзгартрилиши белгиланди. Бунинг учун тажриба тариқасида 5 та — Соғлиқни сақлаш, Қурилиш, Сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекнефтегаз” ва “Ўзсувтаъминот” акционерлик жамиятларининг комплаенс назорати агентликлари ўтказилди.

Шунингдек, туманлар даражасига тушиб, маънавий ва тизимли коррупция омилларини чуқур ўрганади. Таҳлиллар асосида аниқ чораларни ишлаб чиқиш, Миллий кенгашга тақдим этилади.

Коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маънавий коррупция шаклида содир этиляпти. Шу боис, энди Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланади. Уларга вилоят халқ депутатлари кенгаши раислари бош бўлади.

Ҳудудий кенгашлар коррупциявий омилларни аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартриш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга тақдир қилинади.

Бундан саккиз йил аввал ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Бу тизим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ҳудудлар салоҳияти ошди.

Шу боис, энди прокурор, ички ишлар ва солиқ раҳбарлари секторлар фаолияти билан шуғулланмаслиги белгиланди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича қўшимча вазифалар қўйилди.

Давлат харидларида коррупциянинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Эксперт комиссияси тузилди. Илгор тажриба асосида давлат харидларида товарларнинг ўртча бозор нархлари кўриниб турадиган электрон платформа яратилди. Бунда давлат харидларида сотиб олинмаган товар ва хизматлар нархи ўртча бозор нархидан кўпи билан 20 фоиздан ошмаслиги шарт. Ушбу талабни бузганлик учун қонун билан жавобгарлик ва жарималар жорий қилинади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш бўйича талаблар ҳам кучайтирилиши белгиланди. Давлат идораларининг харидларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган транспорт ва мебелга устуворлик бериш зарурлиги қайд этилди. Йирик лойиҳаларни юқори даражадаги коррупцияга қарши стандартлардан келиб чиқиб баҳолаш талаби қўйилди.

Коррупциянинг олдини олиш давлат хизматидаги профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “халоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади. Шу боис, ишга олишдаги тартиб ва ёндашувларни такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонун зарурати қайд этилиб, унинг лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши белгиланди.

Фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида халоллик ғояларини синдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари нутқида жамоатчиликка мурожаат қилиб, коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юрtdошимизнинг виждон иши эканини таъкидлади.

— Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу боис, маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар — умуман, бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қарши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда парламент ва ҳукумат аъзолари, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот бўлди.

Умуман, илк маротаба бундай тарзда йиғилиш ўтказилиши коррупцияга қарши кучли сиёсий иродани намоян этди.

Давлатимиз раҳбари 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни илгари сурди. Улар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарорлар ишлаб чиқилди. Коррупцияга қарши курашишда парламент, Миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли ошқиради.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари кучаяди. Декларациялаш, ноқонуний бойлик орттиришга оид янги тартиблар киритилиши натижасида

коррупция омиллари чекланади. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ташкилотлардаги ички назорат тузилмалари фаолияти кучайтирилади.

Маънавий коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик, идоралар раҳбарлари маънавий ошқиради. Давлат хизматлари сифатини аҳоли баҳолайдиган тизим яратилади, энг ёмон кўрсаткичга эга соҳа раҳбарлари бўйича чора кўрилади.

Назорат инспекциялари мустақиллиги оширилади. Йирик инвестиция лойиҳаларида, аукционларда коррупциянинг олдини олувчи механизмлар жорий этилади.

Давлат харидлари тартибга солиниши, тўғридан-тўғри харидлар чекланиши ҳисобида бюджет маблағлари тежалиши таъминланади. Давлат пулини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларига барҳам берилади.

Секторлардан озод бўлган куч ва воситалар жиноятчиликка қарши курашишга сафарбар этилиб, жамиятда барқарорлик муҳити ва одамларнинг розилиги ортади. Ноқонуний текширувлар устидан прокурор назорати кучайтирилиши орқали жойларда бизнес ва инвестиция муҳити яхшиланади.

Эришилган натижалар халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини яхшилайди. 2027 йилда UNCAC конференцияси мезбонлигида Ўзбекистон номзодини маъқуллаш учун замин ҳозирлайди.

Энг муҳими, аҳолининг айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги юксалтирилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашишга дахлдорлик шаклланади.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ: ИШОНЧ ВА ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Нурлан Ермеқбаевни қабул қилди.

Ушбу нуфузли ташкилот доирасидаги кўп томонлама шерикликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган умумий хавф ва хатарларга қарши курашишда амалий саъй-ҳаракатларни кенгайтириш, яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик тамойиллари асосида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш муҳим экани таъкидланди.

Самарқанд саммитида бошланган ШҲТ фаолиятини модернизация қилиш жараёнини давом эттириш, жумладан, ташкилотнинг барча тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

“Янги иқтисодий мулоқот”ни ривожлантириш концепцияси ва мамлакатимизнинг бошқа қатор ташаббусларини амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Булар савдонини соддалаштириш тўғрисидаги битим, электрон тижорат дастури, инвестицияларни рағбатлантириш комплекси, логистикада рақамлаштириш режаси, “ШҲТ ҳамажам технологилари” дастури, Озиқ-овқат хавфсизлиги атласи ва бошқаларни қабул қилишидир.

Шунингдек, Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлажак ШҲТ саммитига тайёрларлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

ЎЗА

## ГРУЗИЯ БИЛАН АЛОҚАЛАР ФАОЛЛАШГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Грузия Президенти Михаил Кавелашвилининг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-логистика, туризм ва маданият соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентлар ва ҳукуматлар даражасидаги алоқалар фаоллашгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. 2024 йилда ўзаро товар айирбошлаш 50 фоизга ошди, қўшма корхоналар сони ва юк айланмаси ҳам кўпайди. Пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри авиарейслар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда грузиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган рақамли банк фаолият юритмоқда. Гуманитар йўналишда ўтган йили Тбилиси шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва кино кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Сухбат давомида шу кунларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиш якунлари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш, экспорт ва импорт мутаносиблигини таъминлаш, sanoat кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш, транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, икки мамлакат ҳудудларини иқтисодий ҳамкорликка фаол жалб қилиш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Рақамлаштириш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги шериклик ва алмашиувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида келгусида Ўзбекистон ва Грузия ҳукуматлари даражасида яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

## КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

Кунини кеча Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишидаги Президентимиз нутқи барчамизни бу иллатга қарши курашда миллий сафарбарликка чақирди, десам муболага бўлмайди. Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсон, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчи.

Коррупция ҳатто энг қудратли ва энг кучли давлатларни ҳам жар ёқасига олиб келгани инсоният таърихидан маълум. У инсониятга, иқтисодиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиеъсига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдид ҳисобланади.

Ҳозир коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион долларга яқин миқдорни ташкил қилмоқда. Масаланинг фавқулодда

долзарблигидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берди, келгуси вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Бундан 7-8 йиллар аввал, аниқ бўлса ҳам тан олиб айтиш жоиз, туғуруқхонада бола туғилишидан, кўпол бўлса ҳам, вафот этгунча бўлган жараёнлар коррупциялашган бир кўринишга келган эди.

▶ Давоми 2-бетда

# КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

## Бошланиш 1-бетда

Болани ФХДёда рўйхатдан ўтказиш учун ҳам таниш-билиш қидирардик. Ундан кейин бу иллат фарзандингизни боғчага жойлашдан бошлаб, мактаб, институт, ишга жойлаштириш, кўйинги, пенсия олишгача давом этарди. Шу даражада қон-қонимизга сингиб кетганидан бу оддий ҳолга айлиниб улгурганини сезмай ҳақ қолгандай.

Айниқса, таълимдаги коррупция миллат таракқийига кушанда бўлиб, коррупциявий йўл билан ўқишга кирган бўлажак врачлар кўлидан беморлар бевақт вафот этиши, бўлажак муҳандислар дастидан бинолар кулаши, бўлажак иқтисодчилар туғилиб бюджет пуллари талон-тарож бўлиши, ҳуқуқшунос судья, прокурорлар кўлидан эса адолат азият чекиши ҳеч гап эмасди.

Мана шундай таҳликали бир вақтда давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши аёвсиз курашни бошлади. Аввало, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди, парламент палаталарида масъул кўмиталар, коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва коррупцияга қарши кураш бўйича агентлик, барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди.

Қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертиза қилиш тартиби, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёлари тасдиқланди. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуқсиз оширишга қаратилган Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси жорий этилди.

Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри жорий этилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими, ушбу рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркиби,

Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилди.

Тадқиқотларга кўра, коррупция омиллари сифатида бюрократия ва инсон омилли, камбағаллик ва ишсизлик, иқтисодий ва маъбуот эркинлиги чеклангани, очиклик ва шаффофлик етишмаслиги, гендер тенгсизлик, мулк ҳуқуқи ҳимояланмагани, таълим сифати пастиги кабилар келтириб ўтилган.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсати туғайли ушбу омиллар илдизини қирқиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз 2 қарра ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 минг долларга етгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, ҳеч шубҳасиз, тарихий натижадир.

Камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Камбағаллик даражаси кейинги йилларда 23 фоиздан 8,9 фоизга тушди, уни қисқартириш бўйича 32 та йўналишда янги ёндашувлар жорий этилмоқда.

Гендер тенглик бўйича алоҳида қонунлар, Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Парламентда аёллар улуши 32 фоиздан 38 фоизга ўсди. Янги сайланган маҳаллий кенгаш депутатларининг 32,6 фоиз хотин-қизларни ташкил этиб, аввалги қақриқдагидан 9 фоиз юқори бўлди.

Коррупция кушандаси жамоатчилик назорати эканидан келиб чиқиб, ушбу иллатни очик гапиришга оид қўрқув бартараф этилди. Уни бартараф этиш воситаси инсон омилли ва бюрократияни қисқартириш ҳисобланади. Шу мақсадда давлат хизматларини кўрсатишда рақамлаштириш жуда катта қўлмада амалга оширилмоқда.

Ерни аукционга чиқариш, “Шаффоф қурилиш” дастури жорий этилиши, давлат ҳадидлари бўйича қонун қабул қилиниши, танлов ва тендерлар рақамлашиб, соғлом рақобат муҳити яратилиши, кредитларни дақиқаларда олиш, маҳалла банкири

тушунчаси пайдо бўлиши, таълим тизимидаги хизматлар тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши, олий таълим муассасалари сони кескин кўпайиши, ўқишга кириш жараёнлари устидан онлайн жамоатчилик назорати ўрнатилиши, тўплаган балига қараб олийгоҳни танлаш тизимлари, йўл ҳаракати нозирлари фаолиятини камераларда кузатиб туриш имкониятини кабилар одамларнинг кундалик турмушида коррупциянинг илдизига болта урди.

Танлов ва тендерлар рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалгани, минглаб банклар энди маҳаллага тушиб, одамларга лойиҳа, кредит таклиф қилиб, мижозини кўпайтириш устида ишлаш бошлагани, мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат тури тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши натижасида бу соҳада мурожаатлар сони 2,5 қарра камайгани, 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатнома бекор қилингани ўз натижасини яққол кўрсатмоқда.

Бугунга келиб, барча банклар 100 миллион сўмгача маънавий кредитларни инсон омилсиз 5 дақиқа ичида онлайн бермоқда. Натижада 200 мингга яқин янги тадбиркор бозорга кириб келди. Чет эл иштирокидаги

корхоналар қарийб 5 қарра ошиб, 23 мингга яқинлашди. Электрон давлат хизматлари сони 15 қарра ортиб, 721 тага етди, улардан 115 қарра фуёдаланувчилар эса 11 миллиондан ошди.

Сўнгги етти йилда 120 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киргани, иқтисодиётимиз 2 қарра ўсиб, ўтган йили 115 миллиард долларга етгани амалга оширилган ишлар самарасидир.

Коррупцияга қарши курашиш меваларини ҳозир барчамиз ўз турмушимизда ҳис қилмоқдамиз. Айниқса, бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома олиш учун аввал 3 кун вақт кетган бўлса, ҳозир реал вақт режимида 1-2 соатда ҳал бўлмоқда. Бир вақтнинг ўзида туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилади, болалар боғчасига навбатга ва поликлиникага ҳисобга қўйилади, ота-онасининг уйига автомат равишда рўйхатга қўйилиб, суноччи пули ҳам автоматик равишда картага тушириб берилди, авваллари бунга ойлаб вақт кетган.

Ўлим ҳолатини қайд қилиш ҳам композит шаклда кўрсатилиб, тиббиётнинг ўзида автоматлаштирилган тизимда ФХДёга юборилиб, қайд қилиниб, ўлим гувоҳномаси ва бир вақтнинг ўзида дафн пуллари

ўтказиб берилмоқда. Авваллари 3 та ташкилотга бориб, ўзи бир аҳволда бўлган фуқарога бу ҳам ортиқча юк эди.

Ҳозир пенсия ёшига тўлиши билан фуқарога проактив шаклда пенсия тайинлашни белгилади, бунинг учун фуқаро ҳеч қандай ташкилотга мурожаат қилиши шарт эмас. Авваллари бунга ойлаб вақт кетарди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашининг янги яхлит тизимини батафсил тушунтириб берди, ҳафталик, ойлик, чораклик, йиллик ишлар аниқ белгилаб олинди. Бунда парламент, ижро ва суд органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий ва таълим муассасаларининг вазифалари аниқ мустаҳкамланди.

Янги тизимга асосан, эндиликда тизимли равишда жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталик йўлга қўйилади, парламентдаги масъул кўмиталар маҳаллага тушиб, ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва омилларини аниқлайди, туман, вилоят прокурорлари ва ички ишлар бошлиқларининг олдига аниқ вазифа қўйди.

Прокурор ва ички ишлар вазири ҳар чоракда миллий кенгаш олдига, вилоят, туман прокурорлари ва ички ишлар бошлиқлари эса ҳар ойда ҳудудий кенгашларда ҳисобот беради ва жамоатчиликка мурожаат билан чиқади. Мурожаатда ҳар бир соҳа ва жиноятчилик тури бўйича олдин олиш, омилларини бартараф этиш борасида аниқ қиладиган ишлари айтилади.

Миллий кенгаш ҳар ойда туман ва шаҳарга тушиб, ўз йиғилишини вевосита ички ишлар бўлимида ўтказилади. Ҳар ҳафтада прокурор ва ички ишлар бошлиғи билан ҳудуддаги вазиятни муҳокама қилиб боради.

Миллий кенгашда ҳар чоракда Бош прокуратура, Ички ишлар, ДХА академиялари, юридик ва жамоат хавфсизлиги университетларининг ҳисоботлари эшитилади.

Сенат камиди 1 та ҳудудда жиноятчиликни кескин қисқартириш бўйича,

Қонунчилик палатаси эса камиди 1 та соҳада коррупцияга барҳам бериш бўйича таклифлар бериб боради.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда маҳаллий кенгаш раислари бундан буён коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашларга раислик қилишни таклиф этгани маҳаллий кенгашларга бўлган юксак ишонч ва улкан масъулият ҳисобланади.

Йиғилишда Президентимиз маҳаллий кенгаш депутатлари олдига 2 та муҳим вазифани қўйди.

Биринчидан, маҳаллий кенгашлар жойларда ҳар ойда прокурор, ички ишлар раҳбари ҳисоботини эшитиб, ҳудудларда коррупцияга қарши кураш тизимининг самарали ишлашини қатъий назоратга олиш, иккинчидан, ҳокимларнинг лавозимга қўйилишидан олдин коррупциянинг олдин олиш бўйича аниқ режасини чуқур таҳлил билан эшитиши лозим бўлади.

Албатта, биз — депутатлар ушбу вазифаларга ўта жиддий ёндашиб, “маҳаллабай”, керак бўлса, “фуқаробай” коррупцияни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлашимиз, уларга барҳам бериш, бунинг учун қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тинимсиз қатъий ишлашимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши кураш умуммиллий вазифамизга айлансагина, ҳалоллик, шаффофлик кундалик маданиятимизнинг таркибий қисми бўлиб, коррупциянинг илдизига сув қуюдиган бефарқликни бартараф эта олсакгина, ушбу иллатни тақ-томири билан қўпориб ташлашимиз мумкин. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қарши керак. Шу тариқа барчамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, янада катта ижобий самарага эришамиз.

**Сакинахон САИДҒОЗИЕВА,**  
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгаши депутати**

## Муносабат

# МУСОБАҚА ВАҚТИДА КЎЗИМГА ФАҚАТ БАЙРОҒИМИЗ КЎРИНАДИ

Оиламизда спортчилар бўлмаган. Онам мактабда ўқитувчи, отам тумандаги электр тармоқлари корхонасининг оддий ишчиси эди. Афсуски, отам ютуқларим, бахтли кунларимни кўра олмайди. Боиси, эндигина спортга кадам қўйган вақтларимда автоҳалокат сабаб вафот этди. Тўрт фарзанд онам билан қолдик. Шароитимиз анча оғир кезлар. Ўшанда 6-синфда ўқир эдим. Мактабимизда ўтказилган катта марафонда ғолиб бўлдим.



**Дилшода УСМОНОВА,**  
**енгил атлетика бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори**

пайтда катта масъулият ҳам юклайди. Ҳозир Андижон давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультетида тахсил оляпман. Шу пайтгача кўп бор Ўзбекистон ва Осиё рекордини янгилашга эришдим. Тўхтаб қолмаслигим шарт. Шу боис, олимда катта мақсадлар қўйганман. Аввало, 2028 йилда бўлиб ўтадиган Олимпиадада ўйинларга лицензияни кўлга киритишим, кейин ўқишимни магистратурада давом эттиришим керак.

Президентимиз бугун биз, галабага эришадиган спортчиларга катта ишонч, умид билан қараяпти. Спортта қизиқинчи ошириш, ўз устимизда илашимиз учун барча шароит яратиб берилган. Бундан оқилона фойдаланиб, ўзим ўқиган мактабда спорт тўғрақларини янада ривожлантиришга аҳд қилдим. Туғилиб ўсган қишлоғида енгил атлетика бўйича жажжи спортчиларни, рекордчиларни тарбиялашга ҳисса қўйсам, улар юксак марраларни забт этса дейман.

Сўзим якунида Зулфия номидаги давлат мукофотида муносиб кўргани учун, аввало, Президентимизга раҳмат айтаман. Билдирилган ишонччи оқлашга сўз бераман. Қолаверса, ютуқларга эришимизда менга дауд бўлган меҳрибон мураббийим ва онажонимдан чексиз миннатдорман. Бундай бахтиёр ёшлик, алоҳида эътиборга жавобан Ўзбекистон деган номи улгулаш учун бор кўчимни аямайман. Зеро, ватаним номи, шонини улгулаш асл фарзандлик бурчим, шарафимдир.

## Мулоҳаза



# ҲАР БИР АМАЛИМИЗ МЕЪЁРИДА БЎЛСИН

## ЁХУД ИСРОФ ҚИЛИБ, ҲАСРАТ-НАДОМАТГА БУРҚАНМАЙЛИК

Рамазон хайр-эхсон, сабр-матонат ва қут-барака ойдир. Дуолар ижобат бўладиган ушбу улуг ойдан мусулмон аҳли унумли фойдаланиши, савобли амалларни кўпайтириши керак. Аждодларимиз доим баҳорни кўтаринки кайфиятда қарши олган. Эл ҳашарга чиққан, мискинларга кўмак берилган. Бу йил Рамазон ва баҳорнинг бир вақтда келиши бизнинг гўзал амалларимиз икки ҳисса ошишига хизмат қилади, албатта. Бунда, аввало, эҳсон эгалари тежамкорликни маҳкам тутиб, ҳақиқий ҳақдорларга саховат кўрсатса, айти мурдао бўларди.



**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,**  
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари**

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1915 йилда “Ойна” журналида бундай ёзган эди: “Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойлардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўйи ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду”.

Кўйинчилик билан айтилган бу гапларга ҳам йўлдан ошди. Афсуски, жамиятимизда ҳамон ўша иллатлар тўла барҳам топгани йўқ. Исроф ва дабдабага баҳона излаб турадиган одамларимиз йўқ эмас. Бирор сабаб бўлса-ю, тўқиб-сочсак. Ачинарлиси, бунинг маҳалла-кўй гапириши, содда айтганда, мақтанчи учун қилади. Ҳатто ҳаж ва умрага бориб келганларни кузатиш, кутиб олиш дабдабага, шоуга айланётганини тигра оқлаб бўлмайди.

Шариатимизда ҳар бир нарсани меъёрида қилиш тавсия этилади. Бир нарсани жуда ошириб ҳам юборилмайди ва аксинча, жуда йўқ даражага ҳам тушириб қўйилмайди. Балки ўрта меъёрида адо этилади. Меъёрдан ошириб юборишга исроф деб қаралади. Аллоҳ таоло Исро сурасида бундай марҳамат қилади: “(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйинингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз” (Исро сураси, 29-оят).

Ўртача, мўътадил туриб, хасиллик ҳам, исроф ҳам қилмасдан молини Аллоҳ таоло айтганидек, шариат кўрсатганидек тасаруф қилсак, Аллоҳ таоло унинг садақаси,

хайр-эхсонининг ўрнига бандаси кутмаган томондан яна бошқа неъматлар ато этиб, баракасини беради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлари ҳам мўътадилликка асосланган эди. У зот ҳеч қачон умматларини оғир машаққатли ибодатларга буюрмас, балки баъзи амаллар умматга фарз бўлиб қолишидан ҳафз қилиб, у амалларни гоҳида тарк қилардилар. Пайғамбаримизнинг суннатлари осон ва енгил, машаққатсиз бажариладиган амаллар эди. У зот алайҳиссалом умматининг энг заиф тоифаларини ҳам эътиборга олиб йўл тутардилар. Заиф тоифалардан соғлом, куч-қувватга тўлганларнинг вазифаларини талаб қилмасдилар. Шунга кўра, ушбу ойдаги ифторликларни ҳам исроф ва риёдан ҳоли ҳолда ихчам қилиб ўтказишимиз лозим бўлади.

Мамлакатимиз қонунчилигида тўйларда исроф ва дабдабозликка қарши кураш чоралари қўрилган. Миллий урф-одатларимизнинг кўрки саналган тўй-одатларини ўтказиш юзасидан қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бунда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишнинг тартибга солишда ижтимоий адолат ва қонунчилик, миллий урф-одат ва қадриятларга содиқлик, бошқа дин ва миллат вакилларининг урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олиш тасолиҳларига риоя этиш нуқтани назардан ёндашилгани кувонарли.

Давлатимиз раҳбари кўп марта ушбу иллатлар ҳақида тўхталиб, бундай деган: “Очиғини айтганим бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар миғ-миғлаб оилаларнинг нафақат

Ушбу ҳадисда ҳар бир мўъмин банди алоҳида аҳамият юборилиши, ҳеч қандай исрофга йўл қўймаслиги лозим бўлган тўрт буюк неъмат ҳақида сўз юритилмоқда.

Керагидан кўп қилиниб, ортиб қолган таомлар ташлаб юборилиши, зиёфат ва маросимлар дабдабали, серчиқим бўлиши ҳам айти пайтдаги исрофнинг кўринишларидан биридир. Бунинг ўрнига маҳалладаги ночор яшаётган бир фақир оиланинг кам-кўстини тўлдирдиш, ўқини пулини тўлай олмаётган талабаларга ёрдам бериш, ўғлини уйлантириш учун маблаг топа олмаган бир оиланинг мушкулларини омон қилиш, қарзини тўлай олмаётганга кўмакини бўлиш мумкин.

Бугунги кунда тўй маросимларимизда ҳаддан ташқари дабдабозлик, манманлик ва исрофгарчиликлар авж олмақда. Мана шу нарсалар аксар оилавий можазолар, уруш-жанжаллар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик ва ҳоказо салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Баъзилар бу ишларни шахсий деб билади. “Пулни ўзим топдим, қандай сарфлашни ўзим билман” қабилида иш тутаяди. Ҳолбуки, тўй-маърака фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала ҳисобланади. Шундай экан, бу борада ўзбошимчилик қилиш жамоатчиликка нисбатан ҳурматсизлик саналади.

Испломда никоҳ тўйи зиёфати ва умуман, бирова таом бериш маросимларидан асосий мақсад ҳоҳатманд кишиларни таомлантириш, уларнинг кўнглини кўтардириш.

Машҳур саҳоба Абу Хурайра розияллоху анху бундай деганлар: “Таомнинг энг ёмони бойлар қаққилиб, камбағаллар қаққилиб” (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривоят).

Юқорида айтиб ўтилганлардан маълум бўлмоқдаки, исрофгарчилик яқка шахслар учун ҳам, оилалар учун ҳам ўта зарарли ижтимоий иллат. Унинг зарари бу дунё билан чегараланиб қолмай, охирагга ҳам ўтади.

Хулоса қилиб айтганимиз, дабдабозлик, риёкорлик, исрофгарчилик каби хунук ишлардан сақланилик! Бу иллатларга қарши биргаликда курашиб, оила даврасида, жамиятда одамларни яхшиликка қаққириб, ёмон ишлардан қайтариш бурчимиз эканини унутмайлик.

Аллоҳ таоло барчамизни исрофгарчиликдан сақлаб, молу дунёларимизни Ўзи рози бўладиган жойларга сарфлашни насиб айласин!

# БОЛАЛАР ОНГИДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРСАК...



Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Чунки инсон болаликда ҳам ана шу тарбия таъсиридан чиқолмаслигини ҳаётда кўриб турибмиз. Бу билан фарзандингизга яхши тарбия беринг, ўзбекча кадрятлар асосида ўстиринг деб ақл ўргатишдан йироқмиз. Бугунги мавзумиз нафақат фарзандларимиз тарбияси, балки ўзимиз учун ҳам муҳим.

Ҳозир кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Муайян сабаблар туфайли электр таъминоти тизимида кузатиладиган қисқа мuddатли узиллишлар турмуш тарзимиз ва меҳнат фаолиятимизга салбий таъсир қилиши бор гап. Лекин электр энергиясига сарфланаётган маблағ, машаққатли меҳнат ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Баъзи ҳолларда электр энергиясини тежаш, ортиқча ёниб турган чирокларни ўчириб юриш ҳам малол келади.

2030 йилга бориб, мамлакатимиз аҳолиси 40 миллиондан ошishi, иқтисодий дeтими эса 1,5 қарра ўсиши кутилмоқда. Шунга мутаносиб равишда саноатда 45 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш, хизматлар ҳажмини 3 баробар ошириш, йирик маъмулотлар марказларини ишга тушириш ва янги иш ўринларини очиш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси электр энергияси барқарор ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилда Ўзбекистонда 117 миллиард киловатт-соат, 2035 йилга бориб эса 135 миллиард киловатт-соат электр энергияси талаб этилади. Яъни ҳозиргидан 1,7 баробар кўп ресурс зарур. Шу боис, янги электр ишлаб чиқарувчи ва энергия сақлаш қувватлари барпо этиш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларни тизимга улаш учун 7 минг километр магистрал тarmoқ тортилиб, рақамлаштирилган бошқарув жорий қилинади. Бу орқали худудларда энергия мувозанати таъминланади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида иқтисодий тармоқлари ва аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга қаратилган қатор мақсад ва вазифалар белгиланган. Хусусан, иқтисодий тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун етказиб берилмайдиган электр энергиясини миқдорини 120 миллиард киловаттга, табиий газ қазиб олиш ҳажмини 62 миллиард куб метрга етказиш ва иқтисодий тармоқларининг энергия самардорлигини 2 баробар ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, энергия ресурслари базорини тартибга солиш бўйича мустақил регуляторни ташкил этиш, электр энергиясини сотиб олиш, сотиш ва етказиб бериш функцияларини ажратиш, электр энергияси, табиий газни тақсимлаш, генерация қилиш ва истеъмолчига етказиш инфратузилмасини модернизация қилиш, барча турдаги энергия ресурслари ҳисобини юритишни тўлиқ рақамлаштириш бу борада устувор вазифалар сирасига киради.



## Нуқтаи назар

# БУГУН МУҚОБИЛИ БОР, ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА-ЧИ?..

Бугун Ўзбекистонда ресурсларни тежаш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки энергетика соҳаси нафақат иқтисодий ўсиш, балки экологик барқарорлик ва ижтимоий тараққиётнинг ҳам муҳим омилли. Кейинги йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг драйвери бўлган бу соҳага стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилиб, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада электр энергияси самардорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар бажарилмоқда.



Хусусан, соҳадаги изчил ислохотлар туфайли охириги саккиз йилда электр ишлаб чиқариш ҳажми 38 фоиз ошиб, 81,5 миллиард киловатт-соатга етди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани туфайли 11,2 гигаваттлик қўшимча қувват яратилди. Натижада бу секторнинг генерациядаги улуши 24 фоизга, “яшил” энергия ҳиссаси эса 16 фоизга ортди.

Ўзбекистон аҳолиси кўпаймоқда. Иқтисодий дeтими ҳам жадал ривожлантиряпти. Айниқса, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиши энергия ресурсларига талабни қарасига оширди. Шу боис, энергияни тежаш нафақат иқтисодий жиҳатдан фойдали, балки жамиятимиз келажак учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Шунинг учун бу борада қатор масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, ҳар бир юрtdошимизда маиший техникадан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш талаб этилади. Бу эса энергетик самардорликка эга ускуналардан фойдаланиш, керакисиз пайтда ишлатмаслик, энергия тежайдиган лампа ва қурилмаларни ишлатишни тақозо этади.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришда энергия тежамкорлиги чораларини кўриш зарур. Корхоналарда энергия истеъмолини назорат қилиш, қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни кенгайтириш ҳуқуқмат ва хусусий бизнеснинг асосий мақсадига айланмоқда. Бу йўлда бизнесда ҳам ижтимоий масъулият бўлиши муҳим.

Учинчидан, оммавий тарғибот ва маърифий тадбирлар орқали аҳолининг муқобил манбаларга ихтиёрий ўтишини рағбатлантириш даркор. Бунинг учун мактаблар ва олий таълим муассасаларида энергия самардорлиги бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳозир қатор мамлакатларда бу борада муваффақиятли амалга оширилган лойиҳалар мавжуд. Масалан, Германияда электр энергиясини тежаш маданиятини шакллантириш учун давлатга тегишли барча муассасаларда махсус дастурлар жорий этилган.

Биз, депутатлар энергетика соҳасига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни иш-

пайтда мазкур жараён учун алоҳида қўлланма ишлаб чиқилган. Пойтахт мактабларида старт олаётган лойиҳа босқичма-босқич мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам оммалаштирилди.

Мактабда болалар онгида тежамкорлик тушунчасини шакллантириш орқали атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ер усти ва ер ости бойликлари, сув ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш заруригини англаш каби тушунчалар шакллантирилди. Натижада ҳар бир бола тежамкорлик — неъматларни исроф қилмаслик, қадрлаш, табиий бойликларни меъёрида ишлаш билиш ва оқилона фойдаланиш заруригини англайди.

Замонавий дунёда электр энергиясига талаб кун эмас, соат сайин ортиб бормоқда. Тараққиёт ўзи билан бирга истеъмол талабини ҳам оширди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, сўнгги 50 йилда глобал энергия талаби икки баробардан кўпроқ ошган. Халқаро энергетика агентлиги маълумоти 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич яна 50 фоиз юқориланиши кўрсатмоқда.

Япония энергия тежамкорлиги борасида бой тажрибага эга. 2011 йилда Фукусима АЭСда юз берган фалокатдан сўнг ҳуқуқмат текширув ўтказиш мақсадида унлаб атом электр станциясини вақтинча ёпган. Шундан сўнг йирик компаниялар, кичик бизнес субъектлари ва хонадонлар учун маъмурий тартибда электр таъминотини чеклашга тўғри келган.

Уша йили электр энергияси сарфини камайтириш учун турли усуллар синовдан ўтказилган. Масалан, метро бекатлари ва вокзалларда эскалаторлар ўчирилган, офис бинолари ва ҳатто осмонулар иморатларда айрим лифтлар тўхтатилган. Шу билан бирга, одамлар бир қаватта пиёда кўтарилиш ёки



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

“Мазкур дастурнинг илк босқичи 2024 йилда Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги 10 та мактабда амалга оширилди. Натижада бир ҳафтада 1,86 мегаватт электр энергияси ва 113 куб метр сув тежаб қолинди.

икки қават пастга тушишни одатий ҳол сифатида қабул қилишга чорланган. Ҳамма жойда ортиқча чироклар ўчирилган. Японларнинг кондиционерли хоналардаги ҳароратни камида икки даража оширишга рози бўлиши муҳим аҳамият касб этган.

Ёз фаслида ўта иссиқ об-ҳаво ўқувчиларнинг соғлиги ва ўқиши самардорлигига таъсир кўрсатганда Япония мактаблари молиялаштириш камлиги ва инфратузилма етарли эмаслигига қарамай, биноларни совитиш муаммосини ҳал этишга интилган. Лекин бу ташаббусларнинг энг самаралиси ўқувчиларни мактаб ёшидан бошлаб энергия тежамкорлигига ўргатиш бўлди.

Мамлакатимизда энергия қуввати аҳоли ва иқтисодий тармоқларининг ўсувчан талабига мос равишда ошириб боришмоқда. Хусусан, ўтган йили 50 миллиард куб метр табиий газ, 81 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилди. 2035 йилга бориб, электр истеъмоли ҳозиргидан 1,7 баробар ошishi ҳисоб-китоб қилинган. Демак, бу талабини тўлиқ қаноатлантириш учун бугун бизга фақат ишлаб чиқариш эмас, истеъмол маданиятини ўрганиш, тежамкорлик борасидаги тушунчалар ҳам зарур. Бу йўналишдаги дастлабки саъй-ҳаракатлар таълимдан, яъни мактаблардан бошланиши лозим.

Мактаб таълимига энергия самардорлиги борасидаги дарсларни киритиш ўз-ўзидан келиб чиққан ташаббус эмас. Жаҳон тажрибасига кўра, энергия тежамкорлиги бўйича дастурларни мактабларда жорий этиш орқали йилга 10-15 фоизгача энергияни иқтисод қилиш мумкин. Масалан, Скандинавия давлатларида бу миқдор 25 фоизгача чиққан. АКШ ва Европа давлатларида эса мазкур дастурни мактабларда жорий этиш орқали йилга 100 миллион мегаватт-соат энергияни тежаш мумкинлиги исботланган.

— Вазирлик Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация маркази билан ҳамкорликда энергия сарфи савдоҳонлиги дастурини амалга оширишга киришди, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшода Норбоева. — Мазкур дастурнинг илк босқичи 2024 йилда Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги 10 та мактабда амалга оширилди. Натижада бир ҳафтада 1,86 мегаватт электр энергияси ва 113 куб метр сув тежаб қолинди.

Бу ҳар бир мактаб директори, ўқитувчи ва ўқувчилар, аҳоли учун жуда муҳим. Вазирлик Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан ҳамкорликда ўқувчилар орасида энергия сарфи савдоҳонлиги бўйича аниқ дастурлар тайёрлаган. Бунда ҳар бир ўқувчи мактаб даврида қўйилган энергия ресурсларини тежаш қанчалик муҳимлигини ўрганади.

Шуларни инобатга олиб, жорий ўқув йилида ҳам мамлакатимизнинг барча худудларидан таянч мактаблари танлаб олинди. Мазкур мактабларнинг 5-6-синф ўқувчилари табиий фанлар, 7-синф ўқувчилари эса физика фани доирасида бу лойиҳага жалб этилди. Лойиҳага старт берилишидан олдин бу мактабларда фаолият юритаётган ўқитувчилар учун япониялик ҳамкорларимиз, мураббийлар томонидан ўқув курслари ташкил этилган. Дастурни амалиётга самарали жорий қилишда катта аҳамият касб этди.

Дастурга кўра, дастлаб ўқувчиларга энергия ишлаб чиқариш жараёни таништирилди. Шундан сўнг амалий босқич бошланди. Болалар уйдаги электр, газ, сув ҳисоблагичдаги маълумотларни ёзиб юриб, қанча энергия тежалганини ҳисоблайди ва энергия сарфи самардорлиги бўйича ғояларини тақдим этади. Бу ўқувчиларда нафақат тежамкорлик хусусиятини пайдо қилади, балки технология билимини ҳам мустаҳкамлайди.

Ўқувчиларга энергия тежашни ўргатиш келажак учун катта сармоя. Ташаббусни биринчилардан бўлиб бошлаган мактабларда аллақачон дастлабки натижалар кўрина бошлади.

— Мактаб ўқувчиларига энергия сарфи савдоҳонлиги асослари ўргатишмоқда, — дейди Мухаммад ал-Хоразмий номидаги иқтисодлаштирилган мактаб директори ўринбосари Фазлиддин Исмоилов. — Ресурсларни тежашга оид мисоллар таълим дастурларига киритилмоқда. Бу жуда муҳим амалиёт. Фарзандларимизни мактаб даврида қўйилган самардорлигига эришиш билан бирга иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Мактаблар, боғчалар ва бошқа ижтимоий объектларга қуёш батареялари ва сув гелиоколлекторларини ўрнатиш, эшик ва деразаларни янгилаш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ижтимоий муассасалардаги қозонхоналарни янгилаш, “яшил” энергиядан фойдаланиш орқали бу йил 5 миллион куб метр газ, 15 миллион киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилса бўлади.

Фарзандларимизга болалигидан нонни, овқатни исроф қилмасликни ўргатамиз. Лекин кўп ҳолларда худди шундай неъмат бўлган электр энергиясини тежашни ўргатишни унутиб қўйилмиш. Шу мақсадда бошланган мазкур ташаббус келажакда нафақат энергияни тежаш, балки бу борада муқобил энергия турларидан кенг фойдаланиш бўйича ёшларнинг ихтирочилик қобилиятини рўёбга чиқаришга ҳам туртки беради.

Жорий йил мамлакатимизда 1,6 миллиард куб метр газ ва 3,5 миллиард киловатт-соат электр энергия тежаш режалаштирилган. Жумладан, йирик маблағли қорхоналарда бир маҳсулот бирлиги ишлаб чиқаришга кетадиган энергия меъёри белгиланади. Шунинг ўзидан энергия сарфи 5-10 фоиз қисқаради. Бу нафақат давлатга, қолаверса, тадбиркорларга ҳам ўз маблағини иқтисод қилиш орқали бошқа фойдали йўналишларга инвестиция киритиш имконини беради. Бундан ташқари, ижтимоий объектларда энергиятежамкор ускуналарни ўрнатиш чоралари кўрилади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

зиён етказмаган ҳолда энергия таъминотини амалга оширадиган тузилмадир. Бунда истеъмол талаби қуёш, шамол, сув, биомасса, водород энергетикаси каби муқобил энергия манбалари эвазига қопланади.



Душанбе борада етакчи давлатлардан. Мамлакатда электр энергиясининг 50 фоиздан ортиги шамол турбиналари орқали ишлаб чиқарилади. Демак, биз ҳам шу каби инновацион ечимларни амалиётга таъбиқ этишимиз лозим.

Ушбу жараёнда энергия самардорлиги бўйича қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўтган даврда соҳага доир қатор қонунлар қабул қилинди. Масалан, “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самардорлигини ошириш тўғрисида”ги қонун билан давлат ташиқлотлари ва бизнес субъектлари энергия тежаш чораларини кўриши шартлиги белгиланди.

“Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда фуқаролар ва тадбиркорлар учун солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш назарда тутилди. Шунингдек, парламент муҳокамаларида ушбу масалалар бўйича фаол баҳс-мунозаралар

бўлмоқда. Муқобил энергияга сармоя киритиш бўйича кўпроқ имконият яратиш ҳақида фикрлар билдириляптир.

Энергия истеъмоли маданияти фақат ресурсларни тежаш дегани эмас. Бу — иқтисодий дeтимининг барқарор ривожланишига ҳисса қўишчи муҳим омил. Энергиятежамкор технологиялардан фойдаланиш орқали қорхоналарнинг харажати камаяди. Кам энергия сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Қолаверса, энергия тежайдиган лойиҳаларга халқаро сармояларни жалб қилиш мумкин. Мисол учун, Швецияда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш натижасида иқтисодий ўсиш суръати ошган. Ўзбекистонда ҳам бундай имконият мавжуд ва биз бундан фойдаланишимиз керак.

Қайта тикланувчи энергия манбалари мамлакатни барқарор ривожлантириш имконини беради. Бундай энергия манбалари атроф-муҳитга зарар етказмагани боис, “тоза” деб аталади. Бу эса фарзандларимиз, келажак авлоднинг соғлом камолга етиши учун мустаҳкам заминдир. Шунинг назардан, серкуёш ўлкада яшашимизни ҳисобга олиб, табиатнинг ушбу неъматидан энергия ишлаб чиқаришда унумли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ. Зотан, “яшил” энергетиканинг тараққиёти этиши бугунги шароитда мамлакат энергетика тизимига тушаётган улкан босимни камайтиришга хизмат қилади.

Энергия самардорлигини ошириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги қонунлар, фармон ва қарорлар юртимизнинг барқарор ривожланишига замин яратади. Демак, давлат органлари, бизнес ҳамжамияти ва фуқаролар ушбу жараёнда фаол иштирок этиши зарур. Биз келажакда барқарор, энергия тежайдиган ва иқтисодий самарали давлат барпо этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим.

Бобур БЕКМУРОДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси



# ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР

## ОРЗУ-УМИДЛАР ҚАНОТИ

Назокат АБДУҚУНДУЗОВА,

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ахборот хизмати раҳбари

Хар бир инсон зеҳни ва қалби билан юксакликка интилади, чўққиларни забт этишни, ўзи орзу қилган энг юксак марраларга етишни истади. Бу интилиш инсоннинг қалбини порлоқ умидлар, жасоратли қарорлар ва тинмас изланишлар билан тўлдирди. Айниқса, аёллар — жамиятимизнинг юраги, келажгимиз таянчи, зиё чашмаларидан бахраманд бўлашни ният қилган қизларимиз учун бу муҳим.

Давлатимиз раҳбари аёллар нафақат оила, балки жамият таянчи, миллат тарбиячиси эканини, улар учун яратилаётган шароитлар келажгимиз пойдеворини мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлайди. Шу боис, хотин-қизлар учун яратилаётган шароитлар нафақат

эгаллаш ва ҳаётда ўз ўрнини топиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун алоҳида давлат грантлари асосидаги қабул квотаси ажратилди. 2021 йилдан эса мазкур грантлар 2 баробар оширилди.



билим олиш, балки ўз қобилиятини намойиш этиш, орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очмоқда.

Бугун юртимиздаги олий таълим муассасаларида 1 миллион 489 минг йилгит-қиз тахсил олмақда. Шунинг 782 мингига, яъни 52,5 фоизи хотин-қизлар. Бу рақам хотин-қизларнинг олий таълимга интилиши йил сайин ошиб бораётганини кўрсатади. Бир жиҳатдан хотин-қизларнинг илм-маърифат йўлидаги шижоати ва ғайрати исботи бўлса, иккинчи томондан аёл-қизларнинг олий таълимга қамраб олиш йўлидаги савий-ҳаракатлар мевасидир.

Айниқса, магистратура босқичида тахсил олаётганлар орасида хотин-қизлар салмоғи юқори. Бугун магистрантларнинг 62,44 фоизи қизлардир. Магистратурада ўқишни истаган қизлар учун контракт суммасининг давлат томонидан қопланиши жуда катта имкониятлар эшигини очди. Мисол учун, 2022 йилдан бундан давлат ОТМларининг магистратура босқичида тўлов-контракт асосида тахсил олаётган хотин-қизлар ўқиши учун 285,8 миллиард сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун имтиёзли таълим кредити бериш тизими йўлга қўйилган, хотин-қизларга бу кредит фойдасиз тақдим этилмоқда.

Эҳтиёжманд оилаларга алоҳида эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирidir. Бу ўринда мана шундай оилалардаги аёл-қизларга ҳам билим олиш, касб

Мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий маълумоти бўлмаган 500 хотин-қиз ҳар йили Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсияномага кўра тест синови натижасига мувофиқ контракт асосида ўқишга қабул қилинмоқда. Тавсияномага эга хотин-қизлар учун давлат гранти асосида ажратилган мазкур қабул параметрларининг аниқ ва табиий фанлар, техника ва тиббиёт йўналишлари орасида тақсимланиши белгилаб қўйилди.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб техникумларга қурилиш, транспорт, коммунал хўжалик, кишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 2385 хотин-қиз тўлиқ давлат гранти асосида тахсил олмақда. Техникумларда хотин-қизлар учун ажратилган грантлар уларнинг таълим олиши билан бирга аёллар кам учирайдиган соҳаларда фаолиятини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Қурилиш, транспорт, коммунал хўжалик ва кишлоқ хўжалиги каби соҳаларга аввалдан, асосан, эркаклар фаолият юритиладиган йўналишлар сифатида қаралар эди. Бироқ бугун бу тушунча ўзгармоқда. Аёллар нафақат маншиш оҳдалар, балки техника йўналишидаги касбий маҳорат талаб қилинадиган соҳаларда ҳам ўз ўрнини топиб, янги йўтуқларга эришмоқда.

Бугун қизларимиз фақат таълим олиш билан чекланмай, фан ва инновация соҳаларида ҳам салоҳиятини намойиш этмоқда. Ҳозир олий таълимдан




кейинги таълим муассасаларида тахсил олаётган тадқиқотчиларнинг 52 фоизи аёллар экани хотин-қизларнинг илм-фан соҳасидаги фаолияти тобора кенгайиб бораётганидан далolat беради. Илм йўлидаги аёлларга ҳатто жаҳон аренасида ҳам кенг йўл очилмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг ўзида 105 иқтидорли ёш олимпиа хорижий давлатларда илмий стажировка ўташ имкониятига эга бўлди. Улар Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Туркия, Италия, Венгрия каби давлатларнинг нуфузли илмий марказларида тажриба орттирмоқда.

2022 йилдан бундан ўтказиб келинаётган “Олима аёллар” танлови эса тадқиқотчи аёл-қизлар учун ҳақиқий илҳом манбаи бўлди. Бу танлов аёлларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, инновация ҳолатини ҳаётга таъбиқ этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бу галги танловда юзлаб олима иштирок этди. Яқиний босқичида 55 та лойиҳа энг муносиб топилди, молиялаштирилди. Ҳалиқамон лойиҳа қўрилган лойиҳалар техника, ахборот технологиялари, тиббиёт, иқтисодиёт, биология, архитектура ва ижтимоий фанлар каби муҳим йўналишларни қамраб олди. Уларни молиялаштириш учун 44,7 миллиард сўм йўналиштириш белгиланган. Бундан ташқари, аёллар томонидан 68 та стартап лойиҳа ишлаб чиқилиб, 348 та янги иш ўрни очилди. Бу лойиҳалар нафақат илм-фанга, балки иқтисодиётга ҳам улкан ҳисса қўшмоқда.

Жорий йил февралда ўтказилган “Ўзбекистон олима аёллари форуми” илм ва тафаккур байрамига айланди. Унда юртимиз илм-фани тараққиётига ҳисса қўшаётган аёлларнинг ютуқлари муносиб эътироф этилди. Тадбир доирасида “Олима аёллар — 2024” танлови ғолибларини



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

### Бандлик

тақдирлаш маросими ўтказилди. Ингилиш якунида ҳар йили февралда ушбу форум ва “Олима аёллар” танловини ўтказиб боришни аънамага айлантириш таклифи илгари сурилди. Бу аёлларнинг илм-фан йўлида дадил қадам ташлаши, янги кашфиётларга илҳом олиши учун кенг имконият эшикларини очди.

Жамият тараққиётида тенг ҳуқуқлик таъминланиши муҳим мезон. Айниқса, таълим муассасаларида қизларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида кенг қўлмалли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масаласи бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Бу кенгаш жамиятда гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг билим олиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш борасида муҳим ташаббусларни илгари сузмоқда. Унинг ташаббуси билан 2024 йилда 25 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбир, миллий аънаваларни тарғиб этишчи 15 мингдан зиёд танлов ва хотин-қизлар ҳуқуқларини мустақамлашга қаратилган 8000 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

Таълим муассасаларида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар бўлишига доир мурожаатлар тегишли тартибда кўриб чиқилиб, аниқланган масалалар юзасидан зарур чоралар қўрилмоқда. Шунингдек, касбий тайёргарлик ва малака ошириш тизимида гендерга оид муаммоларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари ва бола ҳуқуқлари оид махсус курслар ташкил этилган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларига гендерга доир масалалар, жамиятдаги дифференциал ҳуқ-атвор таъсири каби мавзулар киритилган. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчилар учун хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда гендер тенглигини таъминлаш бўйича қисқа муддатли курслар очилган.

Тизимдаги таълим муассасалари хотин-қизлар кенгаши раислари ва психологлар учун гендер тенглик ҳамда зўравонликка қарши кураш мавзуларида мунтазам ўқувлар ўтказиб келинмоқда. Бу эса жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий маъқени мустақамлаш, барча соҳалардаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.



Ёшлигида бирор касбни эгалламагани Сурайё опага кейинги пайтда жуда сезилди. Ҳар нарса ўз вақтида бўлгани яхши экан. Мактабни битирган пайтлари бирор хунар ўрганишга етарлиқа вақти бор эди. Лекин эътиборсизлиги панд берди. Бугун қайси ташкилот эшигини тақиллатмасин, аввало, қўлидан бир иш келиши ҳақида сўрашади. Шундай пайтда бош эгиб туришдан ўзга чораси йўқ. Энди ўқиб, хунарли бўлайин деса, осон эмас. Боз устига, текинга ҳеч ким сенга касб ўргатавермайди. Рўзгордан орттиришининг эса ўзи бўлмайди.

# КАСБИ ОДАМ КАМБАҒАЛ БЎЛМАЙДИ

Авалроқ уни камбағаллик реестрига кириштириб кетишганди. Шундан сўнг ўзгариш бўлар деган умид уйғонди унда. Реестрга кириштирилганидан икки кун ўтиб, маҳалласидаги комплекс хизмат кўрсатувчи ижтимоий ҳодим уни сўраб келди. Сўхбатлашди. Қизиқиларини ўрганди. Қандай имкониятлар яратиш зарурлигини эътиборга олди. Сурайё опа бирор касбни ўрганиш орзуси борлигини, аммо бунга етарли шароити йўқлигини билди. Орадан ҳафта ўтмай, уни ўзи истагандек ўқишга юборадиган бўлишди.

— Шунча вақтдан берса “Қани имкон бўлса, бирор нининг бошидан тусам”, деган орзуда юрардим, — дейди Қарши шаҳри Комилон маҳалласида яшовчи Сурайё Ёқоштина. — Энди бу ниятга амалга ошадиган бўлди. Яқинда ўқини бошлаб юбордим. Бу ерда қандадотчилик сирларини пухта ўзлаштириш. Насиб этса, келгусида шу йўналишда ўзим алоҳида тадбиркорлик ташкил этаман. Янги цех очиб, камбағал оила вакиллари бандлигини таъминлаш ниятидаман. Бу ерда мен хоҳлаганимдек билим беришмоқда. Бундан ташқари, бир сўм тўлови йўқ, текки. Дарс жараёнида ҳам фақат амалий тарзда ташкил этилмоқда. Касбимизга оид ишларни бажариб, устозлар маслаҳатини олишга шароит қилинган. Бундан ташқари, келгусида бу ердан олган сертификатимиз билан ишлаб чиқариш мажмуаларида ҳам бемалол ишлай олишимиз мумкин экан. Ўқув муассасаси мен кабиларнинг мақсади рўёбга чиқиши учун анча қўлай десам, муболаға бўлмас керак. Ҳозир биз билан кўпчилик ўқияпти. Энг асосийси, бу ерда ўрганган хунарим билан, албатта, ўз ишимга эга бўламан. Даромад топиб, оиламга нафим тегади.

Аслиддин Бекмуродов ҳали ёш. Ўрта мактабни тугатганига кўп бўлгани йўқ. Туман марказидаги йирик корхонага компьютерчи бўлиб ишга кирганди. Аммо иш жойида оддий компьютерчиликдан кўра дастурчилик кўпроқ керак эди. Аслиддиннинг бу борада билими етарли эмасди. Шу боис, малакали мутахассислар зарурлигини айтиб, ундан тажрибасини оширишни талаб қилишди. Бундан ташқари, қўлида бирор ҳужжати йўқлиги унга тўқсизлик қилаётганди. Ёш йигит соҳада айтирли билимга эга бўлмагани сабаб ишдан бўшашига тўғри келди.

— Бугун ҳар бир корхона ва ташкилотта замонавий технологиялар билан ишлаш оладиган ҳодимлар зарур, — дейди яқабгоиллик Аслиддин Бекмуродов. — Мен компьютерни мустақил равишда ўрганганман. Шу сабаб айтирли даражада малакам йўқ. Бу иш жараёнида ҳам сезилди. Олдинроқ ўқув марказларида ўқимокчи бўлгандим, лекин тўловлари оғирлик қилиб, орта қайтандим. Яқинда маҳалламиз фаоллари мен билан сўхбат қилиб, қандай ёрдам кераклигини сўради. Мен айнан шу соҳада ўқиш ниятим борлигини, аммо бунга моддий таъминотим етмаётганини тушунтирдим. Теъдда ўқишга жўнатилган бўлишди. Марказда шароитлар етарли. Ҳозир дастурлаш бўйича тажрибамни ошир-

моқман. Кўпроқ билим олишимда малакали устозлар кўмаги катта бўлмоқда. Ўқув курсимиз якунига етган, сертификат беришган. Шундан сўнг бемалол истаган ташкилотга бориб, ишлашим мумкин. Демак, энди ҳеч иккиланмасдан ўз касбим билан машғул бўлиб, даромад топаётган бўлам.

Қарши шаҳрида қишлоқда ташкил этилган ушбу ўқув маркази Аслиддин каби кўпгина кишилар учун имкониятлар эшигини очмоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси ҳамда Қарши шаҳри касбий кўникмалар маркази ҳамкорлигида “Фаровонлик” инкловиз профессионал касб таълим маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Қарши шаҳри касбий кўникмалар маркази ҳузурида ташкил этилган мазкур муассасада, асосан, камбағаллик реестрида турмуви ва ногиронлиги бўлган шахслар 42 та касб-хунар, хорижий тил ва компьютер технологиялари бўйича курсларда текки ўқитилади. Курслар йўналишларига қараб бир ойдан олти ойгача ўқитилиши белгиланган.

Айни пайтда марказда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган, камбағаллик реестрига киритилган, ногиронлиги бўлган жами 51 фуқаро тахсил олмақда.

— Ушбу касб таълим марказини ташкил этишдан асосий мақсад ногиронлиги бўлган шахслар ва камбағал оила аъзоларини касб-хунар ва компьютер технологиялари курсларига ўқитиш ҳамда рақобатбардор касб эгаларини тайёрлашни ташкил этиш орқали уларни камбағалликдан чиқаришдир, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси масъули Меҳроб Шарофиддинов. — Ҳозир касб-хунар ўрганишни бошлаган фуқаролар шу пайтга қадар тайинли бирор ишга эга бўлмаган. Энди улар курсни тугатгач, тегишли сертификат олади. Бу ҳужжат билан турли корхоналарга ишга кириш имкони бўлади. Бундан ташқари, мустақил равишда ўқини бандлигини таъминлаш ҳам мумкин. Мисол учун, тахсил олаётганларнинг кўпчилиги билан сўхбат ўтказганимизда шу пайтга қадар қўлида хунари бўлганида оиласига даромад келтиришни таъкидлади. Бундан кўра, марказ очилиши айни муболаға бўлган. Энг муҳими, хунарли бўлган етук сонли фуқароларни бу жой фаровонлик сари етаклади.

Масъулар фикрича, “Фаровонлик” инкловиз профессионал касб таълими марказида имконияти чекланган кишилар учун стипендия ҳам берилиши белгиланган. Шунингдек, ушбу марказ тармоқлари келгусида Шахрисабз, Қўқдала, Марки, Деҳқонobod, Қамали, Косон туманлари ҳамда Шахрисабз шаҳрида ҳам очилиши режалаштирилган. Бу эса ҳудудларда истиқомат қилувчи, камбағаллик реестрига киритилган аҳоли учун янада қўлайлик туғдириши аниқ.

Ақбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# Тенг манфаатли алоқалар ТАЖРИБА, САЛОҲИЯТ, ИМКОНИЯТЛАР ОРТМОҚДА

Юртимизда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ислохотлар олий таълим тизими ривожига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатлар таълим муассасалари билан тенг манфаатли алоқалар олий ўқув юрларининг юксалишига, раванқига хизмат қилапти.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,  
Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори в.б.

Олий таълимнинг жаҳон миқёсида глобаллашуви ҳар бир университет ва институт жамоаси олдида халқаро алоқаларни мустақамлаш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, замонавий педагогик ишланмалар ва муҳим тақлифларни ўз ичига олган илмий тадқиқот ишларини дунё миқёсида тан олинган таълим марказлари билан ҳамкорликда бажаришдек муҳим вазифаларни қўйди. Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам халқаро миқёсда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, академик ва илмий салоҳиятини ошириш йўлида тизимли ишлар бажариб келинмоқда.

Айни пайтда институт АҚШ, Мексика, Германия, Франция, Италия, Испания, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Малай-



зия каби давлатларнинг юзга яқин нуфузли ОТМлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ушбу мулоқот ўқитувчи ва талабалар алмашинуви, қўша дастурларни жорий этиш, илмий лойиҳаларни биргаликда ишлаб чи-

қиш ва таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

2024 йилда халқаро ҳамкорликни юксалтириш борасида институтимиз томонидан муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, Италиянинг Перужия университети ва Япониянинг Нара префектураси университети билан икки томонлама ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Саудия Арабистонининг Қирол Салмон халқаро университети ва Умон Султониининг Султон Қобус университети билан ҳам алоқалар ўрнатилди.

Бундан ташқари, институт делегацияси Мексикада меҳмон бўлиб, “Ўзбекистоннинг бебаҳо мероси” номи тақдирот тадбири ўтказди. Миллий урф-одат ва аънаваларимиз, куй-қўшиқ ва рақсларимиз мезонларда катта таассурот қолдирди.

Сафар довомида Мексика миллий автоном университети ҳамда Мехико штати автоном университети билан Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Бу шартномалар асосида келгуси режаларимизни ҳам белгилаб олдик.

Институтимиз Франция, Испания, Германия ва Туркиянинг қатор ОТМлари билан Эрасмус+ дастурининг халқаро кредит мобиллиги йўналишида лойиҳалар амалга



ошириб келмоқда. Шунингдек, АҚШ, Германия, Италия, Хитой ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихоналари, KOICA, American Councils, Тошкентдаги Гете институти каби халқаро ташкилотлар билан мустақам алоқа ўрнатганмиз. Ушбу ҳамкорлик натижасида илмий-педагогик йўналишларда кўплаб ютуқларга эришилди.

Нуфузи ва салоҳияти ошишини мақсад қилган ҳар бир олий таълим муассасаси халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллашга интилади. Бунинг учун жамоадан тинимсиз меҳнат, билим, изланиш, кучли салоҳият талаб этилади. Энг муҳими, олий таълим даргоҳида соғлом илмий ва маънавий муҳит ҳужумрон бўлиши керак.

Ушбу йўналишлардаги ишлар белгиланган режа асосида бажарилаётгани боис, илк ютуқларни қўлга кирита бошладик. Мисол учун, 2024 йилда THE Impact Rankings рейтингини эгаллашда илҳом берди 16 та индикатор бўйича иштирок этиб, 1001-1500 талиқдан жой олди. Ўзбекистон миқёсида бу рейтингда

қатнашган 53 та олий таълим муассасаси орасида 18-ўринни, Самарқанд вилояти ОТМлари бўйича эса 2-ўринни эгалладик. Шунингдек, бошқа халқаро рейтингларда ҳам институтимиз ютуқларга эришмоқда. Жумладан, Webometrics Ranking of World Universities рейтингини ўрнимизни яхшиладик. 2022 йилда 14 минг 537-ўринда эдик, ўтган йили 11 минг 278-ўринга кўтарилдик.

2030 йилга бориб, институт жамоаси халқаро эътироф этилган рейтингларда нуфузли 1000 талиқдан ўрин олишни мақсад қилган. Режаларимиз ҳам шу асосда ишлаб кўрилган.

Жорий йил февраль аввалида имзоланган ҳужжатларга кўра, Малайзиянинг Султон Идрис таълим университети ва институтимиз ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтариладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Малайзияга расмий ташрифи доирасида ташкил этилган учрашув, тадбир ва форумларда ҳар бир соҳа масъулари, мутахассислари ва олимлар иштирок этди. Бу икки давлат ҳамкорлигидаги

лоийҳалар қўлама ва самардорлиги ортиб бораётганини кўрсатади. Тадбирларнинг бундай ташкил этилиши ҳамкорликда режалаштирилган барча лойиҳалар иккала мамлакатда ҳам изчил ва узоқ ишлашга ҳамда юқори натижалар беришга хизмат қилади деб ишонч билан айтиш мумкин.

“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда олий таълим соҳасидаги имкониятлар ва ташаббуслар” мавзусидаги биринчи Ўзбекистон — Малайзия таълим форумида икки давлатнинг олий таълим вазирлари олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, академик мобил дастурларни ривожлантириш ва қўша таълим дастурларини жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Самарқанд давлат чет тиллар институти вакиллари ҳам мазкур таълим форумининг асосий тадбирларида тақдиротлари билан қатнашди. Форум доирасида Малайзиянинг Султон Идрис таълим университети билан ҳамкорлик келишувига эришилди. Унга барино 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб мазкур олий таълим муассасаси билан талабалар алмашинуви дастурлари йўлга қўйилди.

Малайзиялик талабалар учун Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёғи мактаблар ташкил этилади. Икки томонлама илмий-педагогик ҳамкорлик қучайтирилади. Мазкур олий ўқув юрти ректори, профессор Датў доктор Муҳаммад Амин Бин Муҳаммад Тафф жаноблари ҳамкорлигимиз яна ҳам кенгайтиришга умид билдирди.

Жорий йилда институтига яна кўплаб халқаро рейтингларга киришни мақсад қилган. Илмий лойиҳалар сонини ошириш, нуфузли университетлар билан ҳамкорлик ўрнаттиш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви дастурларини кенгайтириш каби мақсадларни белгилаб олганмиз. Ушбу марраларга етиш учун институт жамоаси бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилмоқда.



# 6

“Болам, — дерди онам, — ҳамиша кийиминг, хонадонинг, болаларингнинг уст-боши тоза, кўнглинг озода бўлсин. Ҳамма барака ана шунда. Ҳеч қачон уйингдаги гапни бизга олиб келма. Қайнонани менга яхши кўрсат. Шунда тинч яшайман. Опа-синглинг, ака-ука билан иноқ бўл. Шунда болаларинг узоклашиб кетмайди. Бир парча еринг бўлса ҳам гул, дарахт экин.

# МЕҲРИ ИЛА БЕШИКНИ, ДУОСИ БИЛАН ДУНЁНИ ТЕБРАТАЁТГАН АЁЛ

## Шукрона

### АЁЛ САДОҚАТИ

Ҳали тарих китобларга муҳрланмасдан — ўтмиш сабоқлари халқ оғзаки ижоди орқали авлодларга етказилган даврларда ҳам аёл мўътабар ва мукаррам зот сифатида қадрланган. Давлатчилигимизда ўз ўрнига эга бўлган Элбилга хотун, Ойбарчин, Тумарис қабиляр бунга яққол мисол. Улардан сўнг Сароймулкхоним, Гавҳаришодбегим, Мулкат оғобегим, Кутлуг Нигорхоним, Гулбаданбегим, Нуржаҳонбегим, Мумтозмахалбегим, Жаҳоноробегим, Зебунисобегим, Меҳр султонхоним, Ойпошша биби, Биби подшоҳ биби, Нодираи Даврон, Увайсий (Жаҳон отин), Дилшод отин (Барно), Муаззамхон Мирсаид қизи, Самар Бону, Анбар отин, Нозимхоним, Манзурабону... яна яқин келаверсак, Зулфияхоним, Суйимахоним, Ҳалимахоним, Ойдинхоним, яна қанчадан қанча шоира бегимлар, сўз султонлари, гўзаллик ошуфтлари бисёр. Астойдил санайман десангиз, кўҳна тарихимизнинг бадий қамолотида камарбаста аёллар сафини айтиб тугатиб бўлмайди. Бундай муаззам салтанат қайси халқда бор!

Бибиҳонимни эсланг. Шавкатли Амир Темур бир жангда ёлланма аскарларга бераркан пули қолмагач, Бибиҳонимга ишончли одамларини юбориб, маблаг юборишни тайинлайди. Бибиҳоним том маънода дошмад ҳаёт эмасми, “Аққангиз тугаган эрса, сиёсатингиз ҳам тугадинг, амиринг!” дея хат битади. Оқилликни қаранг! Бу шунчаки хабар ёки хат эмас, катта шеър, катта асар ҳамдир. Чунки шу икки энли хат қудратли Соҳибқиронга далда бўлади, илҳом беради. Шу тарихи Амир Темур суякларга муҳр бошиб, вақтинчалик пулни муомалага киритиб, ёлланма аскарларни сақлаб қолган экан.

Садоқат маликаси Зулфияхонимнинг ҳаёти ҳам ибрат мактабидир.

Миллат оналарининг шонли тимсоли саналган шоира адабиёт майдонига кириб келишини муносиб наъсонининг ҳикматлари билан боғлайди. “Онамнинг қанчадан қанча қўшиқ ва афсоналарни, дostonларни ва эртақларни билишига ақлим бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва дostonлар бизга бениҳоя хузуру бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этарди. Шунга аминманки, мўъжизалар яратилган қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона ҳатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл — онам уйғотган”, дея таърифлайди Зулфия опа.

Ҳамид Олимжон билан Зулфияхонимнинг никоҳ тўйи ўтгач, шоирнинг онаси Комила ая тўрт фарзандини олиб, ўз юртига — Жиззахга қайтиш тараддудини кўради. “Онажон, биз билан бирга қоласиз, кетмайсиз, ҳаммамиз бирга яшаймиз”, деб Зулфияхоним қайнонаси ва шоирнинг ука-синглиларини Тошкентда олиб қолади. Комила ая Зулфияхонимга шоир вафотидан кейин умрининг охиригача — азобли, ҳижрон кунларидан оналик меҳри билан тоғдек қалқон бўлади. Зулфияхонимнинг онаси берган тарбия, таълим ва юксак инсонийлик фазилати шоирнинг ҳаётига шамчирак бўлиб, умр йўлини ёритиб боради.

Ёзувчилар уюшмасининг йўлланмасига кўра, Жиззахда оқилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабиди шоира таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирок этди. Мактабнинг 14 ўқувчиси ижоддан сараланган шеър тўпламлардаги мисралар кўзимизга кувонч бағишлади. Шунингдек 20 ўқувчининг халқаро, 50 ўқувчининг республика нашрларида эълон қилинган ижодий ишларини ўқиб,



Сайёра ТҮЙЧИЕВА, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони совриндори

Зулфия ижодига катта қизиқишни кўриб, адабиётнинг, сўзнинг болалар талқинидаги жойибасига мафтун бўлди. 11-синф ўқувчиси Моҳира Диниқуловани “Юракка мактуб” номли шеърини китоби адабиётта ошуфта қизнинг дил изҳорлари сифатида шеър мухлисларига танитди. 165 ўқувчининг қатор халқаро сертификатлари кўлга киритгани, хорижий тилларга қизиқиши самараси ўлароқ қатор митти таржималарни ўқиб ҳавасимиз келди.

### ЎЗБЕКНИНГ МУНОЖАТИ

Санъат — кўнглининг бебаҳо мулки, инсон ҳаётининг зийнати. Фақат санъат ҳамда спортинга ҳар бир давлатни жаҳон саҳнасиди тез ва кенг тарғиб қила олади. Чунки бу икки йўналиш таржима талаб қилмайди.



Янги Ўзбекистоннинг санъат ва маданият соҳасиди катта ислохотлари бўлиқни, миллийликни англаш мезони саналмиш мактабни келгуси авлодга безавол етказишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг санъат ва маданият соҳасиди катта ислохотлари ўзбек мактаб санъати довуруғини дунёга ёймоқда. Шашмақомни Европа мамлакатларида мусиқа мутахассислари, ихлосмандлари ҳам турли концерт ва фестивалларда тинглаб, баҳолаб келётгани қувонarli. Шундай бир пайтда ўзбек миллий санъатида ўзига хос мактабни яратган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти, сенатор Муножат Йўлчиевнинг Франция, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Бельгия, Германия каби ўнлаб мамлакатларда анъанавий мумтоз кўшиқлардан иборат концерт дастурлари тақдим этаётгани эътиборга молик. Зеро, бутун

Ўзбек аёли, санъаткори тимсолида дунё ақли халқимизнинг қойилмақом санъатини танимоқда!

Ўзбек номодий маданиятининг қатор элементлари — Шашмақом, Бойсун туманининг маданий макони, катта ашула, аския, Наврўз, миллий миниатюра санъати, Марғилоннинг атлас ва адрас ишлаб чиқариш технологияси, ўзбек палов маданияти ва анъаналари, Хоразм лагзиси, Ўзбекистоннинг ипакчилик ва ипак ишлаб чиқариш анъанаси, Насриддин афанди ҳақидаги латифалар — жами 11 элемент ЮНЕСКОнинг номодий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан жой олгани ҳақиқат.

Муножатхон опа ниҳоятда камтар ва самимий инсон, миллий кўшиқчилик санъатимизга қўшган катта ҳиссасини, албатта, онаси Муборак ая Йўлчиевнинг катта фидойилиги туфайли деб билади.

— Андижоннинг Булоқбоши туманидаги 21-мактабни битирганман, — дейди Муножат опа. — Ҳали ўқувчилик давримдаёқ санъатга катта қизиқишимни биринчи бўлиб онам қўллаб-қувватлади. Раҳматли онамнинг ниҳоятда соҳир, барқут овози бор эди. Кичкина-лигимда мени ҳам далага — кетмон чопиққа олиб чиқарди. Онам тенгқурлари “Муборакхон, сиз чопиқ қилманг, ашула айтиб турсангиз бўлди. Биз ўзимиз ишни қилаверамиз”, дерди Ҳалишаби. Онам жангдор овозда дала бўйлаб “Тановар”, “Сумбула”, “Ёр-ёр” каби қатор халқ кўшиқларини куйлаганида, ишонасимиз, хаёлимда бутун табиат қулоқ солаётгандек туюларди. Санъатга ихлосли ўша вақтларда кўз очган бўлса керак.

Ота-онам 6 киз, 2 ўглини воага етказди. Отам ниҳоятда санъатсевар, очкиқўл, қатъиятли инсон эди. Ундан менга байрату шижоат ўтган. Онам бағрикенг, ниҳоятда пазанда аёл эди. Онамдан санъатсеварлик ўтган бўлса керак. Мактабни битириб, ҳужжатларимни олийгоҳ учун тайёрлаб юрганнида ота-онам, акаларим санъат олийгоҳига киришди қаршилик қилди. Шунда Андижон шаҳридан тоғам Абдуллоҳон Мавлонов келиб, ота-онамни, акаларимни кўндирган. Истеъдодни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини




ўшанда билганман. Ниҳоят Тошкент давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси кафедраси анъанавий хонадалик бўлимига ўқишга қабул қилиндим. Талаба бўлганимда ҳаммадан кўп онажоним сунди. Чунки санъаткор бўлиш армоним ушалди, ўрнимга сен қўшиқчи бўласан, энг сара кўшиқларини куйлайсан, Муножат қизим деб алқайди. Ота-онамнинг дуосини олиб, Тошкентга жўнадим.

Шундан бери қанча йил ўтди. Онанинг дуоси, ҳикматлари фарзанд учун олтиндан қиммат эканини бутун янада чуқур англаяман.

Сўхбатдошимнинг дил изҳорларини тинглаб, 80 ёшли бувимнинг “Муножатхонини дунёга келтириб, тарбиялаган онанинг ҳам армони бормикан-а?!” дегани ёдимга келади.

Муножат Йўлчиева қатор шоғирларининг устози, миллий кўшиқчилигимиз ифтихори,

Қадимдан бир яхши гап келади: бизга яхши оналарни беринг, шунда биз яхши одамлар бўлиб етишамиз. Миллатнинг биринчи тарбиячиси, биринчи мураббий оналар бўлган. Она — кўргон, хонадонга файзу зийнат деймиз. Мен ҳам “Мўътабар аёл” мукофоти билан тақдирланганлар қаторида салкам қирқ йиллик фаолиятимда онамнинг ҳикмати билан улғайдим. Оддийгина яхши муносабат, одамларга яхшилик қилиш учун вақт топиши онам умрининг мазмуни эди.



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

меҳрибон она. Қисқаси, санъатимизнинг фидойи тарғибчиси. У каби фидойилар бор экан, санъатимиз довуруғи дунёга таралаверади.

### МЎЪТАБАРЛИК САОДАТИ

2018 йилда ҳукумат қарори билан “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилган эди. Бугунгача 1476 аёл ушбу мукофот билан тақдирланди. Бу йил 331 номзоднинг оиласига байрам қувончи қўшалок кириб келди. Уларга мукофотни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уринбосари, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова топширди. Давлат ва жамият ҳаётида фаолияти, самарали меҳнати, намунали хулқи билан миллий кадрларимизни кенг тарғиб этишда ибратли фаолият кўрсатгани учун тақдирланганлар орасида Ўзбекистон халқ артисти, севимли санъаткоримиз Замира Суёнова, атоқли шоирлар Кутлибека Раҳимбоева, Мунаввара Усмонова, хунарманд Саодат Юлибоева, Тошкент метрополитени ходими Гулчехра Исфандиёрова, “Ўзтемирйўли” машинисти Гулчехра Ҳамидова, таълиқли пилакор Маҳфуза Толипова, ҳарбий қисм ходимаси Ойдиннисо Иннатуллаева ҳам бор эди. Уларнинг юрак сўзларидан ислохотларга дахлдорлик, элга камарбасталик изҳорларини англаш мумкин. Ҳайратланарлиси шуки, ҳар бир опа-синглимизнинг ибратли ҳаёт йўлида онажонларнинг алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннатхон Исмоилова “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини фахр билан таърифлаб, онасини эслади, умр йўлини сарҳисоб қилади. “Тошкентнинг Себзор даҳасида зиёли оилада дунёга келганман. Отам Ҳамид Зиёевнинг XIX-XX аср жаҳон тарихи бора-сидаги тадқиқотлари, Сибиридан ўзбеклар ҳаёти ҳақидаги таҳлилларини кўпчилик яхши билади. Унинг етук олим бўлишида онажонимиз — Саодат аянинг хизмати кўчирс. Онамизнинг кўлида доимо китоб кўрардик. У жуда кўп муголаа қиларди. Шундан бўлса керак, укам Азамат Зиёев, синглим Доноҳон Зиёева ва мен — учалимиз ҳам фан доктори, профессор даражасига ет-

дик. Ота-онамизнинг дуосида фақат бир нур — китобга, муголаага меҳрини кўрдик. Ўзим 30 йилга яқин шаҳарлар тарихи, хусусан, Тошкент шаҳри тарихи, халқ маданияти, амалий санъати, музейшунослик соҳаси бўйича қатор шоғирларга раҳбарлик қилганман. Ўзбек музейшунослиги мактабни яратиш ва илмий тадқиқот натижасини дунё музейшунослик тадқиқотларига қўшиш ниятида фаолият олиб боряман. Беш фарзандим — Нигора, Малика, Азиза, Чарос ва Исмоилжонни онам айтганидек, эл-юртга фидойи қилиб тарбияладим, бирдан-бир ниятим онамга ўхшагим келди”, дейди Жаннатхон Исмоилова.

— Ўғлим Вячеслав Макаров мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилаётган вафот этган. Бугун ўғлимнинг дўстлари мени “Мўътабар аёл” мукофоти билан таърифламоқда. Болам мўътабар Ватан, азиз Ўзбекистон тинчлиги йўлида жонини фидо қилди, шундай паҳлавонни тарбияланганимдан фахрланаман, — дейди мукофотланган она Татьяна Макарова.

Юртимизнинг яна бир паҳлавон ўғлини — Баҳодир Жалоловнинг онаси Сабоҳат Жалолова дил изҳорларини бундай ифода этади: — Бедор оналарнинг дуоси арасин азиз ватанимизни. Болаларимиз шу юрт обрў-эътиборини дунёга танитмоқда. Баҳодирим ҳар гал юртимизга катта галабалар билан қайтганда Ўзбекистон шашини жаҳон ареналарида дахлдорлик, элга камарбасталик изҳорларини англаш мумкин. Ҳайратланарлиси шуки, ҳар бир опа-синглимизнинг ибратли ҳаёт йўлида онажонларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннатхон Исмоилова “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини фахр билан таърифлаб, онасини эслади, умр йўлини сарҳисоб қилади. “Тошкентнинг Себзор даҳасида зиёли оилада дунёга келганман. Отам Ҳамид Зиёевнинг XIX-XX аср жаҳон тарихи бора-сидаги тадқиқотлари, Сибиридан ўзбеклар ҳаёти ҳақидаги таҳлилларини кўпчилик яхши билади. Унинг етук олим бўлишида онажонимиз — Саодат аянинг хизмати кўчирс. Онамизнинг кўлида доимо китоб кўрардик. У жуда кўп муголаа қиларди. Шундан бўлса керак, укам Азамат Зиёев, синглим Доноҳон Зиёева ва мен — учалимиз ҳам фан доктори, профессор даражасига ет-

Чақмоқсўз шоира, таниқли ижодкор Кутлибека Раҳимбоевнинг кўзида қувонч. “Туркманистонда туғилдим, Фарғонада олий таълим олдим, қирқ йил илгари устозим Зулфияхонимнинг тақлифи билан “Саодат” журнаliga ишга келдим. Ўзбекистоннинг олис-яқин ҳудудда хизмат қилаётган муҳтарам опа-синглиларимиз ҳақида юзлаб мақола ёздим, икки қанотим — қизим Орзунинг, ўғлим Нажотнинг муваффақиятидан бахтирман. Ўзбек адабиётининг жонқуяри хизматидаман. Бугунги мукофот Президентимнинг ишончи, халқимнинг мукофоти-дир”.

Ҳар бир мукофотланган опамизнинг ёниқ тилаклари, мунаввар ниятлари бор. Зотан, давлат бошқарувида эркаклар билан теппа-теп хизмат қилаётган, қатор-қатор фарзандларини элу юрт хизматиға камарбаста қилиб қўйган онажонларни, мукофотини суратта тушириб болаларига кўрсатиб яйраётган совриндорларни қузатиб, дунёда боласидан азиз, меҳнатдан азиз, рўзгоридан азиз неъмат йўқлиғига шукрона қилаётган аёлларимизга “Байрам муборак, эътироф муборак”, дегиси келди кишининг.

### ОНАМНИНГ ҲИҚМАТЛАРИ

Биз бугун элу халқ эъозлаган опаларимиз ҳақида меҳр билан сўзлайди. Ҳар бир таниқли, истеъдодли, эл таниган инсоннинг ортида кичкина елкасида дунёларни кўтариб юрган онажонлари таърифини келтирдик, сўзнинг мухтасар қисмида яна озгина айтгаримиз бор.

Қадимдан бир яхши гап келади: бизга яхши оналарни беринг, шунда биз яхши одамлар бўлиб етишамиз. Миллатнинг биринчи тарбиячиси, биринчи мураббий оналар бўлган. Она — кўргон, хонадонга файзу зийнат деймиз. Мен ҳам “Мўътабар аёл” мукофоти билан тақдирланганлар қаторида салкам қирқ йиллик фаолиятимда онамнинг ҳикмати билан улғайдим. Оддийгина яхши муносабат, одамларга яхшилик қилиш учун вақт топиши онам умрининг мазмуни эди.

“Болам, — дерди онам, — ҳамиша кийиминг, хонадонинг, болаларингнинг уст-боши тоза, кўнглинг озода бўлсин. Ҳамма барака ана шунда. Ҳеч қачон уйингдаги гапни бизга олиб келма. Қайнонани менга яхши кўрсат. Шунда тинч яшайман. Опа-синглинг, ака-ука билан иноқ бўл. Шунда болаларинг узоклашиб кетмайди. Бир парча еринг бўлса ҳам гул, дарахт экин.

Шоир болам, нима ёсанг, юракдан ёзгин, кўнглинги гапи кўнглини обод қилар, ёлғонни ёзма, эсиндан чикмасин. Қиз узатсанг, қувенг иззатини қилгин. Келин олсанг, қизингек кўргин. Бировнинг боласи уйингда кўкарсин, ўзидан қўпайсин. Ҳар қаңдай юмушинг бўлса ҳам беоморинг, эҳтиёжмандинг, кўнгли оғриганинги кўнглини олишга шошилгин. Биласан, отангинг гапи гап бўлган. Турмуш ўртоғининг гапини икки қилма, қариндошларининг хурматини жойига қўйгин. Сенга айтилган насиҳатларининг ҳаммасига умрим йорна қилиб яшадим. Шукроналарим учун яхши кунлар кўрдим. Шукроналик ҳаётинг мазмуни бўлсин, жон болам”.

Қатор-қатор китоблар, шеър дуостонлар ёздим, илмий тадқиқотлар қилиш учун қанчадан қанча асарлар ўқидим, лекин онамнинг шукроналик ҳақидаги икки оғиз ҳикмати барча ўқигану ёзганларимдан аъло, беназир бўлди.

Сўз сўнгига айтгаримиз шу: меҳри билан бешикни, дуолари билан дунёни тебратган, янги Ўзбекистондаги ислохотларни юраги орқали ўтказабатган, рўзгори, фарзандлари, оиласи, жамиятнинг оғир, енгил ташвишларидан фақат яхшилик излаётган азиз аёлларимиз, байрам муборак бўлсин!

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъшилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.  
37346 нусxada босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов  
Мусахҳис: Аслиддин Абдуразақов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА Яқуни — 00:20  
Тошрирдик — 00:25